Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 9 январь, сешанба. №4. (21.925). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. ҲУСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Расулмат Ҳусанов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 8 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. ЖУМАНИЁЗОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Маркс Жуманиёзов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 8 январь

ЮБИЛЕЙГА ҲОЗИРЛИК

Бухорода шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Юбилейга бағишланган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар шонли санани муносиб нишонлаш,юбилей иншоотлари қурилиши ва тарихий обидаларни таъмирлашни жадаллаштириш, вилоят маркази, туман ва қишлоқларда кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини бажариш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбирларни белгилаб олдилар.

(ЎзА).

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Фақат юксак касб маҳорати ва тадбиркорликни уйғунлаштириб иш юритаётган жамоаларгина бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаб, рақибларидан устун туриши мумкин. Жиззахдаги аккумулятор заводи жамоасининг фаолиятида ҳам бу ҳақиқат яққол сезилди.

Ушбу корхона 1987 йили мудофаа саноати учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Энди эса корхона халқ хўжалиги учун маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Ҳозир корхона маҳсулотлари МДҲ мамлакатларининг барчасида кенг қўлланилмоқда. Бурноғи йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 12 бараварга кўпайди. Соф даромад эса бир миллион сўмга етди. Ютуқлардан илҳомланган жамоа аъзолари маҳсулот турларини янада кўпайтиришга интилишаётир.

Корхона ишчилари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ошхона, поликлиника, замонавий услубда қурилган сауна ишлаб турибди. Заводда илғорлар сони тобора кўпайиб бораётир.

СУРАТДА: илғор қуювчи Гулсара Туропова.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҚЎШИҚЛАРНИНГ ГУЛТОЖИ ВАТАН ҲАҚДАДИР

Гўдак дунёга келган илк кунлардаёқ унинг қулоғига азон айтилади. Ҳақ ва имоннинг мунаввар овози бўлмиш бу илоҳий қўшиқ билан гўдак қалби уйғонса, ажабмас. Шунданми, бу Ватан фарзандларининг бутун умри қўшиқлар ҳамроҳлигида, олижаноб туйғулар қанотида кечади.

Дунёда қўшиқлар, ашулалар кўп. Шинавандалар, мусиқага ошуфта диллар беҳисоб. Лекин жонга туташ оҳангларни, қўшиғу ашулаларни кўзда ёш билан, бутун вужуди ҳиссиётлар селига айланиб тинглайдиган яна бирон бир халқ бормикин?!

Мен бундай дили дарёликнинг сабабини ўйлайман: чунки халқимизнинг томирларида, руҳият осмонларида самимий, рост туйғулар оқади. Айниқса, қўшиқ, ашулалар Ватан, азиз тупроқ ҳақида бўлса борми!

Ватан муҳаббати, фироқи, соғинчининг таржимони бўлмиш дардли, интизор сатрлар Бобуршоҳ қалбининг ватани бўлиб қолганди. Фурқатнинг она тупроқ фурқати доғи ила оғмухта ғазалларидан ҳамон қалбларимиз симобдек титрайди. Бу боқий ғазаллар халқимиз орасида энг суюк қўшиқ ва ашулаларга айланиб кетди. Адолатсиз замонанинг қаттол тўқмоқлари зарбидан тақдирлари тирқираб кетган ватандошларимиз учун ҳам бу ашулалар қарийб бир аср давомида Ватан фироқидан куйган юракларига мисоли бир малҳам бўлиб келди.

Бугун — эрку истиқлол офтоби қалбларимиз меҳробини ёритган тарихий дамларда тақдиримиз каби маънавиятимизнинг энг соҳир олами бўлмиш қўшиқлар ҳам янги, ёрқин ҳаётимизнинг акс садосига айланиб бормоқда. Ўзбекистонимизнинг қадду камоли дунё мамлакатлари қаторида юксалиб бораётган шу онларда халқнинг фахру ғурури ифодаси бўладиган қўшиқлар яратиш шоирларнинг, бастакору ижрочиларнинг муқаддас орзусидир. Озод Ватан овозига айланажак қўшиқлар мустақиллик, эрк нурлари ардоқлаган руҳимизда куртак ёзмоқда. Мустақиллик қудратидан қувват олиб, ўз имкониятларини тобора тўкисроқ, мукаммалроқ намоён этаётган қалбларда мана шундай саодатни бахш айлаган озод Ватанни мадҳ этиш эҳтиёжи кундан-кунга улғайиб бормоқда.

Худди мана шу паллада Вазирлар Маҳкамасининг Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида ёзилган қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги қарори дилларни тўлқинлантириб юборди. Собиқ совет республикаларининг жуда кўп жойларида одамларнинг тинч кун кўриши, рўзгорини тебратиши ҳам оғир муаммога айланиб қолган айни даврда мамлакатимиз Президентининг иқтисодиётимиз тараққиёти билан маънавият камолотига теппа тенг эътибор қаратмоқларида чуқур ҳикмат бор. Бу — халқнинг, юртнинг порлоқ келажагига собит ишончдандир.

Мамлакатимизнинг бунёдкор, саховатли, имон эътиқодли халқи кўксини тоғдек кўтарадиган, авлоднинг Ўзбекистондек бир беқиёс Ватанга фарзандлик ифтихори, туйғуларини ифодалайдиган қўшиқлар яратилишига бу танлов кенг имкониятлар очгай, иншооллоҳ.

Мустақиллигимиз энди бешинчи ёшга қадам қўйди. Айни кўрик-танловнинг катта тўй олдидан, катта вақт имкониятлари билан эълон қилинишида ҳам муҳим сабабият бор. Бу муддат ичида шоирларимиз, бастакорларимиз маданий ҳаётимизда воқелик бўлишга арзигулик асарлар яратишларидан умидимиз катта. Умидки, ишончга омухта. Ишонч учун дилда устувор далилларимиз бор.

Оққан дарёлар оқаверади. Тарихи минг йиллардан ошадиган халқ қўшиқларимизда, асрлардан асрларга ўтиб келган мумтоз ашулаларимиз орасида ва ниҳоят, келажакка олтин пиллапоя бўлган янги, мустақил ҳаётимиз даврида яратиладиган қўшиқлар ичида жонажон Ўзбекистон, Ватан ҳақида яратилганлари оз эмас. Ватанда бахтиёр бўлмоқ ҳиссиёти қалбларимизда чуқурроқ илдиз отгани сайин, бу туйғунинг — толенинг ажойиб мевалари сифатида ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратилиши табиийдир. Худо хоҳласа, яқин кунларда шу озод Ўзбекистонга ўзини чин фарзанд деб билган инсонлар қўлини, дилини, куч-қудратини, орзуларини бирлаштирадиган қўшиқларни жўровоз бўлиб куйлагаймиз.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
кўрик-танлов ҳайъати аъзоси.

Ислоҳот ва одамлар

ТЕГИРМОН — ПОКИЗА МАСКАН

ёки «угар» (куюнди)ни йўқотиш мумкинми?

Пахта тозалаш заводини мен пахта тегирмони деб атайман. Тегирмон эса халқимизнинг тафаккурида ҳамиша муқаддас, пок маскан бўлиб гавдаланган. Айниқса, пахта тегирмони....

Қабул пунктларида уюлган хирмонларга кўзим тушганда пахтаси бор-йўғи уч ёки кўп бўлса беш грамм чиқадиган чаноқларга эгилиб ишлаётганларнинг ҳиммати, жасорати, меҳнати кўз олдимда гавдаланади.

Иккинчидан, халқимизнинг, давлатимизнинг пахтадан кураётган манфаати даражаси пахта тегирмонини янада яхши ишлашга даъват қилиб турғандай бўлади. Яхши ишлаш деганда табиийки, биринчи навбатда тайёрланган пахтани куйиндига, чанг-тўзонга чиқарий юбормай, исроф қилмай ишлашни тушунамиз. Эндики, далиллар келтирадиган бўлсак, бу тушунчамиз амалий ишларимизда ўз аксини топаётгандай кўринади. Масалан, бундан икки йил муқаддам «угар» (куюнди) деган кўрсаткич завод тайёрлаган ялпи ҳосилнинг 10,76 фоизини ташкил қилган (50 минг тоннанинг ўн фоизини кўз олдингизга келтиринг-а, қарийб 2 минг тележкага юк бўладиган нарса!) Бир йил ичида шу кўрсаткични 4,33 фоизга тушиндик. Бу яхши натижа дея олмаймиз. Шуни ҳам камайтирмоғимиз керак. Энди пахтани қабул қилишда лаборатория чиқиригини қатъийлаштириб, «угар»ни йўқотиш ё унинг фоизи энг паст даражада бўлишига эришиш мумкин. Лекин бу ғирром усул бўларди. Пахтакорнинг меҳнатига ҳурматсизлик бўларди. Чегириш реал бўлмоғи керак.

Энди «угар»ни аввалгидан туширганимиз нималарга асосланганини айтиб ўтсам; пахтани қуритиш-тозалаш цехида ТТК белгили қуритиш барабанларига иссиқлик юборувчи газ билан ишлайдиган янги қурилмалар ўрнатилди. Жин машиналари қайта таъмирланди. Чигит цехида ўрнатилган РОВ белгили машиналар толанинг чигитга аралашиб кетишига мутлақо чек қўйди. Толанинг табиий хусусиятлари бир хилда бўлмоғи учун 6 та тола жамлаш қурилмаси ишга туширилди. 1000 тонна тола сақланадиган бостирма қурдик. Вилоятда ягона уруғлик чигитини дорилаш ва саралаш цехи ишлай бошлади.

Туманимиз бюджети «тўрва»сининг етмиш фоизи заводимиз жамоасининг меҳнатидан. Жамоамизнинг 600 дан зиёд аъзоси бу хайрли ишимизнинг моҳиятини тўғри тушунадилар.

Салим Жўраев, Эшмамат Бойсариев, Иброҳим Ҳудойбердиевга ўхшаш ишлаб чиқариш пешқадамлари, бошқа ишчилар билан мунтазам фикрлашиб туришимиз ишимизда қўл келаётгани жамоамизга сир эмас. Бу — ўзаро тушуниш, иноқлик меваси.

Ишчидан — меҳнат. Раҳбариятдан — ғамхўрлик. Ишчи рўзғорида у-бу нарсадан қийналмаяптими? Ун, гуруч, мойи борми? Ишлаб чиқариш режасини қандай ўйласак, бу масалалар устида ҳам шундай бош қотирамиз. Заводнинг ўз шаҳарчаси, шаҳарчасида эса ошхона, новвойхона, савдо дўконлари, истироҳат боғи, дам олиш масканлари бор.

Режаларимиз равшан. Қийинчиликлардан, муаммолардан кўз юммаймиз. Бор. Лекин иккиланиш, ҳадиксираш йўқ. Иш бўлса, ерда қолмайди. Иши ерда қолмаганнинг эса боши баланд бўлади.

Суюн ТОЖИЕВ,
Шўрчи туман пахта тозалаш заводи директори.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Бахмал туманида янги электр подстанция фойдаланишга топширилди. Энди аҳоли электр билан бир меъёрда таъминланадиган бўлди. Уни «Ўзбекқишлоқэлектрлаштириш» трестининг 13-механизмлашган кўчма жамламаси қурувчилари бунёд этди.

* * *

• Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси мижозлар учун яна бир қулайлик яратди. Бу ерда темир йўл эстакадаси ишга туширилди. Унинг ёрдамида айни бир вақтда минг тонна бензин ва дизель ёқилғиси вагонларга ортилади.

* * *

• Нукус троллейбус бошқармаси ўз аъзоларини айрим устки кийим-бош билан ўзи таъминлайдиган бўлди. Бу ерда кийим тикиладиган корхона очилди. Шу мақсадда бўш ётган бинолар таъмирланди, 22 дастгоҳ ўрнатилди. 40 нафар киши иш билан таъминланди.

МАҲАЛЛА ҲАМ КИЧИК МАМЛАКАТ

Маҳалла — уйлари уйларига туташ, ўйлари ўйларига боваста Ватан.

Маҳалла — тўйлари билан тўйлари, куйлари билан куйлари эш бўлган кичик мамлакат.

Маҳалла ташвишлар, қайғулару аламларни баҳам кўрадиган бепоён қалб.

Маҳалла — қувончлари ўртада дарвозаси очиқ хонадон.

Маҳалла нуроний отахонлару мўътабар онахонларнинг ҳикматларини ўзида мужассам этган табаррук ва саховатли остона.

Маҳалла чақалоқнинг киндигини кесиб, унинг қулоғига номини айтиб қичқирган меҳрибон доя.

Маҳалла Ватан ичра Ватандир, деди донолардан бири. Отанг маҳалла, онанг маҳалла деб айтилади халқ мақолларида.

Уч йилдирки, Навоий шаҳрида ҳам маҳалла деган табаррук калом ўзгача жаранглайдиган бўлиб қолди. Шаҳардаги «Дўстлик» деб номланувчи 19-маҳалланинг ташкил этилганига эндигина бир йил тўлмоқда. Айни пайтда маҳалла ҳудудида 5,5 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Демак, бу ерда шунча муаммо, ташвиш ва шунча қувонч яшайди. Маҳалла қўмитаси 16 нафар уй комитети раислари ва шунча маслаҳатчилар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бугун маҳалланинг эллик нафар вакили ҳам бор. Гарчи шундай бўлса-да маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбаҳор Собировнинг ташвишлари камайган эмас.

— Ҳозир олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси масаласидир — дейди опа. — Маҳалламиз бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг 140 нафари ёрдам пули оляпти. Биз бу йўналишдаги фаолиятимизни қатор ҳомий ташкилотлар ёрдамида давом эттиряпмиз. Масалан, «Мето» фирмаси байрамлар арафасида савоб иш қилмоқда. Фирма кам таъминланган оилалар учун совғалар ташкил этди. Энди эса ўз кучимиз билан уруш фахрийлари учун алоҳида тадбирлар ўтказяпмиз.

Гулбаҳор опа бу хайрли ишларни амалга оширишда уй қўмиталари раислари Исомиддин Темиров, Зарҳол Очилова, Саодат Тўраева, Ўктам Бобоқуловлар катта ёрдам бераётганини таъкидлади. Айни пайтда раис маҳаллада ўсмирлар клублари, тўй ўтказиш учун майдончалар ташкил этиш ташвишлари билан юрибди.

— Кейинги пайтда маҳалла қўмитасининг илм даргоҳи билан алоқаси янада мустаҳкамланиб боряпти, — дейди Муқимий номли 8-мактаб директори Гавҳар Қиличева. — Биз маҳалла фаоллари билан «Оила — маҳалла — мактаб» дастурларини ишлаб чиқдик. Агар шу дастурни биргаликда амалга оширсак бола тарбияси учун мактаб ҳам, оила ҳам, маҳалла ҳам бир хил жавобгарлик сезади. Айни пайтда ота-оналар ҳам маҳалла ва мактаб олдида ўз масъулиятини ҳис қила бошлайди. Қисқаси, мактаб ҳам, оила ҳам, маҳалла ҳам келажаги буюк давлатни барпо этишга ўзларини сафарбар деб билишлари керак.

Кичик бир оиланинг ўзи ҳар куни бир олам ташвиш билан яшайди. Маҳалла ҳудудидаги юзлаб хонадонларнинг минглаб ташвиш ва қувончлари Гулбаҳор Собировани ҳам четалб ўтмайди. Унинг «штаб-квартираси»да узлуксиз қўнғироқ жиринглаб туради. Демак, кимдир маҳалладан мадад сўрамоқчи ва яна кимдир қувончини баҳам кўрмоқчи...

Маҳмуд МАРДИЕВ.

Қўнғироқ

МАКТАБДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?

• Бир йилда нега уч директор алмашди?
• Иссиқлик йўқ — мактаб ёпилди!
• Туманда бирортаям китоб дўкони йўқ...

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар қамрови кенг. Шу маънода барча соҳаларда сезиларли ўзгаришлар, бурилишлар юз бераяпти. Хўш, бу жараён ҳамма жойларда ҳам бир маромдами?

Мамлакатимиз Президенти халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида маориф соҳасида олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги хусусида ачиниб сўзлади.

Хўш, энди нима қилиш керак? Бепарволик, лоқайдлик вилоятда қанчалар қимматга тушаётганини ўтган йилларнинг сабоқлари кўрсатди. Биз Касби туманида бўлиб халқ таълими соҳасидаги бугунги манзара билан танишдик.

Тумандаги Собир Раҳимов номли 27-ўрта мактабни кўздан кечирганимизда аянчли аҳвол устидан чиқдик. Мактаб учта ўқув биносидан иборат бўлиб, биринчиси — 1963 йилда ҳашар билан қурилган нураб бораётган бино экан. Деворлари ёрилиб кетган. Қолган икки ўқув корпуслари ҳам деярли таъмирланмаган. Ўқув жиҳозлари хусусида гапирмаса ҳам бўлади.

— Бир ой ҳам бўлгани йўқ иш бошлаганимга, — дейди мактаб директори Раҳмонқул Шоҳимардонов. — Янги мактаб биноси 1987 йилда бошланган эди, лекин шу бўйича қолиб кетди.

Қурилишни кўриб янада ачиниб кетдик. Пойдеворигина ростланган бу «бино» атрофида қурилиш материаллари қалашиб ётибди. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида бундай ноёб ашёларни қор-ёмғир остида қолдириш инсофданмикан?

Энг ачинарлиси, жамоада бир йил мобайнида 3 та раҳбар алмашган. Албатта, бундай сансалорлик оқибатида ўқувчилар етарли билим ололмайди. Энди ўқитувчиларнинг қониқарсиз фаолиятини тасаввур қилаверинг.

Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Йўлдош Охунбобоев номли жами 12 та барак типидаги мактабларнинг ҳам янги бинолари қурилиши бошланиб, тугалланмаган. Мутасаддилардан бунинг сабабини сўрасангиз аниқ жавоб йўқ. Баҳоналари — ажратилаётган маблағнинг етарли эмаслиги. Эҳтимол шундайдир. Лекин, ҳозирги давр раҳбарлардан бундай важ-корсонларни эмас, балки имкониятлар излаш кераклигини талаб этаётир.

Темур Малик номидаги жамоада малакали ўқитувчилар етишмайди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билими, савияси таҳлилий имтиҳон этилмаган. Хоналар етишмаслиги туфайли тўгараклар ишламаяпти. Жисмоний тарбия машғулотлари қониқарсиз. Чўқурлаштирилган синфлар ва уларнинг сони замон талабига мутлақо жавоб бермайди.

Усмон Юсупов номидаги 2-ўрта мактаб иссиқлик тармоқлари ишламаётганлиги туфайли ёпиб қўйилибди. Бу ерга келганимизда мактаб ўқитувчилари мутахассислар ёрдамида янги қувурларни ўтказишаётган экан.

— Қишга тайёргарлик ёзда бўларди, шекилли, — дея сўраймиз мактаб директори Умар Сиддиқов.

— Қувурларда сув турмайди, чириб кетган. Ўтган йилнинг апрель ойида мактабимизга иситиш қувурлари келтириш учун янги лойиҳа тузилганди. Туман ҳокимининг ўринбосари, қишга тайёргарлик кўриш комиссиясининг аъзоси Байит Тоштемиров «қишда ўқувчиларингиз иссиқ хонада ўқийди. Ўзим ёрдам қиламан» деб ваъда берганди. Афсуски, гап гаплигича қолиб кетди.

Бу масалага аниқлик киритиш мақсадида Байит Тоштемировга мурожаат қилганимизда у киши «ваъда берган бўлишим мумкин. Лекин биз ҳам бошқаларга ишонгандик. Вилоят иссиқлик манбаи бирлашмаси билан келишолмадик», деди. Изоҳга эса ҳожат йўқ.

1995 йилнинг 9 ойида маориф соҳасига маҳаллий бюджетдан 33 миллион 173 минг 300 сўм ажратилган. Аммо бу маблағнинг айнан шу соҳага тўла ишлатилганлигига ишонгимиз келмади.

Яна бир томони, кўпгина ўқув даргоҳларидаги кутубхоналар бадиий китоблар билан, қишлоқ мактабларининг кутубхоналари эса умуман янги китоблар билан таъминланмаган. Қаерда бўлмайлик, «кутубхона» деб ёзилган эшикка қулф солинган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, дарсликлардан ташқари бадиий, тарихий, илмий ва бошқа адабиётларни ўқимаган ўқувчининг дунёқараши, савияси ўзгарадими?

Айтсак ишонмайсиз: туманда бирорта ҳам китоб дўкони йўқ экан. Илгариги яккаю-ягона китоб сотиладиган жой ҳам аллақандай бошқа савдо дўконига айлантирилган.

Насиб этса, бу йил истиқлолга эришганимизга беш йил тўлади. Аммо туман марказидаги Карл Маркс номли ўрта мактабнинг номи ҳамон ўзгаргани йўқ. Мактаб ҳовлисининг ўртасида эса «доҳий»нинг ҳайкали савлат тўкиб турибди.

Мактаб маъмурияти номни ўзгартириш юзасидан ўқитувчилар жамоасининг қарорини туман ҳокимлигига етказишган. Сўнгги жавоб ҳали айтилмаган.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МУДИР НЕГА МУЛЗАМ БЎЛДИ?»

(«Ўзбекистон овози» 1995 йил, 28 ноябрь).

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1995 йил 28 ноябрь сонида чоп этилган «Мудир нега мулзам бўлди?» сарлавҳали мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

«Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбири шу йил октябрь ойида Қоракўл туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалигидаги 6-, «Сайёх» жамоа хўжалигидаги 5-, «Пайкент» жамоа хўжалигидаги 2-, «Дўрмон» жамоа хўжалигидаги 3-мактабларда қишки мавсумга тайёргарлик ишларининг аҳволи билан танишган.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур мактабларда ўша даврда қишги мавсумга тайёргарлик бўйича баъзи ишлар тўлиқ ниҳоясига етказилмаган эди.

Кўрилган чоралар натижасида Қоракўл тумани халқ таълими муассасаларининг қишки мавсумга тайёрлаш ишлари 1 ноябрга тугатилди. Жумладан, мақолада таъкидланган мактабларнинг деразалари ойналаштирилиб, печлар таъмирланиб, керакли миқдорда кўмир жамғарилди. «Дўрмон» жамоа хўжалигидаги 3-сон мактабнинг чакка ўтадиган хоналарининг томлари таъмирланди. «Тошкент» жамоа хўжалиги 6-сон мактабнинг 8 та қўшимча қурилган синф хоналарини пол ва потолок қилиш 1996 йилга режалаштирилмоқда.

Мактабларни қишки мавсумга тайёрлаш ишларига масъулиятсизликка йўл қўйган мактаб директорлари К. Аҳмедов, Э. Отамуродов, Ш. Халилов, Н. Раҳимовларга интизомий жазо берилди.

Янги тайинланган Қоракўл тумани халқ таълими бўлимининг мудири Х. Файзиевнинг эътибори йўл қўйилган камчиликларга қаратилди.

Бошқарма бошлиғи С. БАҲРОНОВА.

«ЎЗБЎЯМАЧИЛАР»

(«Ўзбекистон овози», 1995 йил, 10 август).

Мақолада Шофиркон тумани молия бўлими ва давлат солиқ инспекцияси фаолиятидаги айрим камчиликлар кескин танқид қилинган эди. Ушбу материал юзасидан Бухоро вилояти ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади:

Мақола юзасидан 1995 йил 6 сентябрда таҳририятингизга йўллаган жавоб хатимизга қўшимча равишда яна шуни ҳам маълум қиламизки, мақолада кўрсатилган Шофиркон тумани молия бўлими ва туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан белгиланган режаларни бажаришда йўл қўйилган камчиликлар қисман ўз тасдигини топди.

Шофиркон тумани молия бўлими мудири бўлиб ишлаб келган Р. Янгиев 1995 йил 9 октябрда вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлигининг 126-сонли буйруғи билан вазифасидан озод этилди.

Бухоро вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С. СИРОЖЕВ.

ВИЛОЯТЛАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё ва Наманган вилоятлар кенгашлари пленумлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлар Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан мазкур вилоятлар партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари кўриб чиқилди. Бу тўғрида Ўзбекистон ХДП вилоятлар кенгашларининг биринчи котиблари: Сурхондарёда — Ҳ. Эрматов, Наманганда — Н. Қозоқов маъруза қилдилар.

Анжуманлар қатнашчилари юртбошимизнинг Самарқанд ва Қашқадарёдаги нутқларида қўйилган вазифаларнинг ўз фаолиятлари учун дастурий аҳамиятга эга эканлигини, уларга қатъий риоя этиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Пленумларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анжуманларда: Сурхондарёда — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик, Наманганда — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири К. Жуманиёзов нутқ сўзладилар.

Пленумларнинг ишида вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

«Наманганвилояттаз» бошқармаси аҳолига газ етказиб бериш билан бирга ёрдамчи хўжаликни ҳам ривожлантирмоқда. 65 бош қорамол ва 20 дан зиёд қўй-қўзини Турсунбой Долиев парваришламоқда.

СУРАТДА: Турсунбой Долиев ўғли Баҳромжон ва қизи Нодира билан.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Бошланғич ташкилотларда

МЕҲР ЧЎҒИ

Фориш туманидаги «Туркистон» ижара ширкатлари бирлашмаси ХДП бошланғич ташкилоти котиби Ашимбек Абдиевга бирлашмадаги ҳар бир оиланинг қанча даромади, яқин орада қандай тўй-маъракаси ёки бошқа тантанаси борлиги маълум. Котиб ён дафтари орасига солиб юрган бир рўйхат эътиборимни тортди. Унда ҳар бир оилада неча киши яшаши, қанча чорва моли борлиги ёзилганди.

— Ўтган йил бирлашмамиз деҳқонлари 2852 тонна пахта сотиб, режани ошиғи билан бажардилар. Ана шу пахтанинг 1100 тоннаси ўзимизники. Ундан 300 тоннадан кўпроқ тола, 60 тонна ёғ, 300 тонна кучли озуқа ва 200 тонна шелуха оламиз. Толани мўмайгина пулламоқдамиз. Чигит маҳсулотини аҳолига тақсимлаб бериш керак. Бу рўйхат шунинг учун тузилган.

Котиб сўзларини қизиқиб тинглаётганимни кўриб, бирлашма чўлқуварлари бултур пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарганликлари ҳисобидан аҳолига 57 тонна ёғ, 210 тонна кунжара ва 170 тонна шелуха тарқатилганлигини айтиб берди.

— Ўтган йилги ғалладан 100 тонна ун, 110 тонна буғдой тарқатдик, — деди Ашимбек. — Сув камчил бўлиб, май ойида жаладан зарарланганига қарамай 350 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олдик. Давлатга режадаги 500 тонна ўрнига 800 тонна дон сотдик. Хуллас, йилни омадли якунладик.

Партия ташкилоти қошида Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини халққа етказувчи 8 кишилик ташвиқот-тарғибот гуруҳи иш олиб бормоқда. Гуруҳ аъзолари ана шу ҳужжатларни аҳолига тушунтирибгина қолмай, улар бирлашмада қандай бажарилаётганини назорат қилади, таклиф ва мулоҳазалар билдиради. Сўнгги ойларда икки марта «Кўнгил-кўнгилдан сув ичар» деб номланган байналмилал дўстлик кечаси ўтказилди. Бирлашмада яшовчи қозоқ ва ўзбекнинг «Дўст билан обод уйинг» бадиий кечаси ҳам мазмунли, мароқли ўтди.

— Жамоамизда кўпчиликни қозоқ ва ўзбек ташкил этса-да, қирғиз, тожик, рус, татар каби бошқа бир қанча миллат вакиллари ҳам биз билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилмоқда, — дейди Ашимбек Абдиев. — Бизнинг асосий бойлик ва кучқудратимиз аҳилликда. «Қалбим қўрли, чўғли бўлсин десанг, меҳрни халқдан ол», деган нақл бор. Биз шунга амал қилмоқдамиз.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами*

ҲИССАДОРЛАРНИНГ ЯРИМ МИЛЛИОНИ

Бўз тумани нон комбинати ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Нон маҳсулотлари қаторига янги уч тури қўшилди. Илгари савдо дўконларига кун давомида нон бир марта келтирилган бўлса, эндиликда харидорлар эҳтиёжига қараб 2—3 бор элтиляпти. Аҳоли дастурхонига кунига 3 тоннадан зиёд нон тортиқ қилинмоқда.

Аввал нон ташувчи иккита юк машинасига ойига 100 минг сўм сарфланарди. Ҳозир эса 6 минг сўм билан иш битяпти. Ана шундай ҳисобдонлик туфайли йилнинг ўн бир ойида ярим миллион сўм соф фойда олинди. Даромад ҳисобига ишловчиларнинг ойлик маоши 50 фоизга оширилди. Жамоа ҳисобидан тушлик овқат ташкил этилди. Бўз шаҳарчасида истиқомат қилаётган ўнлаб оилаларга баҳоли-қудрат кўмак кўрсатилди.

Айтгандек, тегирмон ҳам ишга туширилди. Кўпчиликнинг буғдойини тортиб бериш ҳисобига яқин 70 тонна буғдой уни олинди.

— Тегирмон ёнида мойжувоз қуряпмиз, — деди ҳиссадорлик жамияти раҳбари Т. Абдураҳмонов. — Янги йил бошида кичик корхоналарда ҳам маҳсулот тайёрлана бошланади. Демак соф фойдамиз баракаси ошади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕЗДА ОВОЗА БЎЛДИ

Ангрендаги «Туркистон» хусусий фирмасининг ташкил этилганига атиги икки ойча вақт бўлди, холос. Лекин унинг муваффақияти мамлакатимизга тез овоза бўлди. Гап шундаки, йигирма нафар ишчи, мутахассислар ташкил топган жамоа асосан турли ҳажмдаги мармар тахталар ишлаб чиқаради.

Яқинда дунё тажрибасида ҳали кўрилмаган беш миллиметр қалинликдаги мармар тахталар тайёрлана бошланди. Шу кунгача Италияда ишлаб чиқарилган шундай маҳсулотлар қалинлиги саккиз миллиметрни ташкил этарди.

Ғозғон мармар конидан келтирилаётган хом ашёдан тайёрланган маҳсулот тобора харидоргир бўлиб бораётгани сабабли фирмада иш икки сменада ташкил этилди. Натижада бир кеча-кундузда ишлов берилган мармар плиталар салмоғи 60 квадрат-метрга етди. Шу зайлда кетса, ҳадемай ишлаб чиқариш қуввати янада ошади.

Абдунаби МАННОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШЛОҚДА КИЧИК КОРХОНАЛАР КЎПАЯДИ

Касби туманининг Қамаши қишлоғида кичик корхоналар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Гилам тўқиш, кигиз босиш, макарон ишлаб чиқариш цехлари бор. Ҳозир бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик консерва заводи қурилиши бошланди.

— Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урдик, — дейди Ҳ. Хўжақулов номли жамоа-ширкат бошқаруви раиси Э. Турсунқулов. — Оҳак тайёрлаш цехини фойдаланишга топширдик. Ҳозиргача цехда 50 тонна оҳак тайёрланиб, аҳолига сотилди.

Жамоа ширкат хўжалиги бошқаруви қишлоқда кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш тадбирларини кўрмоқда.

Ўз мухбиримиздан.

«САРЖАЛ»ГА ГАЗ КЕЛДИ

Қўйчивонларнинг азалий орзуси ушалди. Янги йилнинг дастлабки кунлари Конимех туманидаги «Конимех» жамоа хўжалигига, яъни олис Қизилқум оралиғига табиий газ келди. Натижада саржалликларнинг қувончига яна бир қувонч қўшилди. Дастлабки куниёқ 25 хонадонда «зангори олов» ёнди. Шуниси диққатга моликки, асрий сахронинг қоқ белидаги мазкур хўжаликка Газли -Чимкент халқаро трассасидан газ қувурлари тортиб келиш учун қарийб 20 миллион сўм маблағ сарфланди, 8 километр масофага ўрта босимли газ қувурлари ётқизилди. Табиий газ келишига бағишланган тантанада вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров қатнашди. Бу йиғинда мазкур қурилишдаги илғор газчиларнинг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, Навбаҳор туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг «Карвон» қишлоғига ҳам табиий газ келди. Айни пайта бу қишлоқнинг 50 хонадонида «зангори олов» ёнмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

Сўнгги йилларда ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Фармонлар чиқарилди. Булар ўз навбатида давлатчилик тизимини шакллантириш, маҳаллий имконият ва шарт-шароитлар асосида ҳамма учун мақбул жамият қуришда асосий омиллардир. Биз хусусан, Дўстлик туманида Президент Фармонлари ижроси билан қизиқдик. Суҳбатдошимиз — туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Музаффар НАЗАРОВ.

БИР ТИЗИМГА КЕЛИНГАЧ...

—Президентимизнинг ҳар бир Фармонида халқ манфаатлари ўз ифодасини топади. Мисол, «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги Фармон ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларида саросар қолган муаммони счишга йўл очди.

— Энди ҳар ким ўз меҳнатига яраша аввал ҳақини талаб қилиши лозим-да. Бозорнинг ҳам таомилларидан, қолаверса, боқимандалик деган катта касалликнинг энг ўткир дориларидан бири бу. Мен дастлаб Фармонлар ижросида муҳим бўлган мезонлар хусусида тўхталмоқчи эдим. Сиз таъкидлаган Фармоннинг мақсади нима? Энг аввало шуни яхши англашимиз керак. Амалиётга татбиқ этилиши даражасининг қандайлигини эса ана шунга қараб чиқариб олаверасиз. Энди бизнинг туманимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, очиғини айтганда, мазкур Фармоннинг ижроси тус-тугал таъмин этилган деб айтолмаймиз. Келинг, рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йилнинг 11 ойида жами 284 корхона ва ташкилотнинг 311538 минг сўм дебиторлик, 211360 минг сўмлик кредиторлик қарзлари борлиги аниқланди. Туман прокуратураси ва солиқ инспекцияси ҳамкорликда ўтказган текширувларда бир нечта корхоналарда дебиторлик ва кредиторлик ҳолатларига қарши чора-тадбирлар кўрилмай келаётганлиги ошкор бўлди. Текшириш натижаларига кўра, талабларга зид бўлган хатти-ҳаракатлари учун Дўстлик туманлараро қишлоқ хўжалигига химиявий хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари Б. Нурманов, бош ҳисобчи Ж. Тасаевалар, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари К.Ҳасанов, бош ҳисобчи Б. Ибатовларга, дон маҳсулотлари корхонаси директори С. Саидраҳимов, бош ҳисобчи С. Тўйчиевларга, жами 19 нафар раҳбарларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Хўп, бунинг сабаби нимада? Илгаридан бирга олдиберди қилиб юрган корхоналар баъзан, ҳа энди ўзимизнинг ҳамкоримиз, дея хизматларни бажарган-у, аммо улар моддий томондан қопланмай қолинаверилган. Буюртмачи ташкилотнинг эса пули йўқ. Ўз-ўзидан Фармоннинг муҳим талаби бузилган. Жамоанинг насибаси четда юради. Баъзан хизматни қилиб-қилиб маош ололмай юришлар... Халқнинг, меҳнатчининг ҳам хуноби ошадими? Шундай. Демак, бу ҳар томонлама манфаатларга зид ҳол.

— Назаримда, бефарқ ва лоқайдлигимиз ҳам ўзимиз учун катта тўғаноқ бўлянти шекилли-да.

— Ҳамма бало шунда-да. Мана энди қаранг, Президентимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Шунинг ижроси бўйича бир қизиқ ҳолатга дуч келдик-да. Аниқланишича, ўтган йил мобайнида туманда 87 фуқаронинг 372 бош қорамол ва 74 бош қўйи 9,99 гектар экин майдонини пайҳон қилиб, давлатга 13557 сўмлик зарар етказган. Уларга қишлоқ фуқаролари йиғинлари қошидаги маъмурий комиссияларнинг қарорлари билан 10973 сўмлик, суднинг қарори билан 3000 сўмлик жарима солинган. Ажабки, комиссия учта ғайриқонуний қарор қабул қилгани ошкор бўлди. Бу эса Фармон ижросини таъминлаш борасида қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги маъмурий комиссия раисларига семинар-ўқув машғулотлари ўтказилмаганлигидандир. Ўша комиссия таркибидаги кишилар ҳам Фармонни муфассал ўрганиб чиқишмаган. Йўқса, «Манас», М. Дадажонов номли, «Оқ олтин», «Навбаҳор», «Дўстлик» ва Саркисов номли ширкатлар бирлашмаларида фуқароларнинг қонунсиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Баъзи хўжаликларда бу борада оддийгина назорат постларининг ташкил этилмаганлиги, ҳатто шу мақсадларда кишилар бириктирилмаганлиги ёхуд ушланган молларни сақлаш жойларининг йўқлиги... Бунинг ҳаммасига ўша Сиз айтган лоқайдлик, бефарқлик сабаб. Булар тўғрисида туман ҳокимига тақдимнома киритилди, мазкур ҳолатларга йўл қўйган мутасадди ва раҳбар шахсларга қатъий чоралар кўриш сўралди.

— «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармон ижроси хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Камчиликлар йўқ эмас. Қарангки, ўтган йил 20 августгача 81 кичик, хусусий корхоналар ҳали солиқ инспекцияси, истиқболни белгилаш, меҳнат биржаси, ижтимоий суғурта фонди бўлимларида рўйхатдан ўтказилмагани аниқланди. Бу қанақаси, дейсиз. Туман ҳудудидаги 43 фирманинг 31 таси, шунингдек, 4 та қўшма корхонанинг 3 таси бугунги кунда фаолият кўрсатаётгани йўқ. Нега? Ваҳолонки, низом бўйича мазкур фирмалар қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби турли тармоқларда машғул бўлиши лозим эди. Ҳар ким ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши, ҳуқуқни билганидек, бурчини ҳам унутмаслиги лозим. Йўқса, ўз соҳасида назорат ўрнатиши зарур бўлган йигирмадан зиёд ташкилотлар бор. Масалан, банклар, солиқ инспекцияси, меҳнат биржаси, табиатни муҳофаза қилувчи, СЭС, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини текширувчи, давлат назорати, техника назорати каби ташкилотлар. Ахир бевосита иш жараёнини улар назорат этиши зарур-ку. Уларнинг ҳар бири Фармонларнинг ўз соҳасига тааллуқли масалалари ижросига бевосита масъулдирлар. Прокурор бу жараённинг қонунийлигини назорат қилади, ишлаб чиқаришга бевосита аралашмайди. Хуллас, баъзи саволлар ҳали-ҳануз жавобсиз турибди.

Аслида фармонлар тегишли идора ва ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар фаолиятининг ҳаммага маъқул бўлган бир тизимга келиши учун хизмат қилади. Шундай экан, уларнинг ижросини таъмин этиш борасидаги масъул кишилар аввало, Фармон ва қонунлар моҳиятини ўзлари яхши билишлари зарур. Ҳар биримизнинг ўз вазифамизга сидқидилдан ёндашишимиз уларни ҳаракатга келтиради, кучга киритади.

Ҳусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди.

ДУНЁ ОКЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

• Польша Президенти А. Квасьневский 9 январь куни Германияга ташриф буюради. Бу унинг хорижий мамлакатга илк расмий ташрифидир.

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти маҳкамасининг берган баёнотига кўра, А. Квасьневский шу куни Берлинда Федерал Президент Р. Герцог билан учрашади. Шунингдек, Бонн шаҳрида Германия Федератив Республикаси канцлери Г. Коль билан музокаралар ўтказади.

***

• Франция Президенти Жак Ширак мамлакатнинг миллий мудофаа соҳасида «жиддий ислоҳотлар» ўтказишга чоғланаётганини маълум қилди. Ушбу ислоҳот Франциянинг қуролли кучлари ва ҳарбий имкониятларини бир-бирига мувофиқлаштириш мақсадида ўтказилади. Шунингдек, Президент ислоҳотлар жадал ва узоқни кўзлаган ҳолда ўтказилиши лозимлигини таъкидлади.

***

• Президент Л. Кучманинг биринчи ёрдамчиси В. Кузнецов журналистлар билан учрашувда Украина 1996 йили МДҲга аъзо мамлакатларнинг божхона иттифоқи ва ягона тўлов тизимига қўшилмаслик ниятида эканини маълум қилди. «Айни пайтда Украина МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиради», деди В. Кузнецов.

***

• Сальвадорда икки юз нафарга яқин давлат хизматчилари мамлакат пойтахти Сан-Сальвадордаги ибодатхонани эгаллаб олдилар. Улар мамлакатда «Зарурий истеъфо тўғрисидаги қонун»нинг кучга киришига қарши норозилик билдирмоқдалар. Ушбу қонунга биноан турли хизмат ўринларини банд этиб турган 15 минг нафарга яқин амалдор ишдан озод этилиши керак.

Айни пайтда «исёнкор» давлат хизматчилари билан полиция бошқармаси ўртасида музокаралар ўтказилмоқда.

***

• Россиялик аскарларнинг ота-оналари Россия Федерацияси Президенти маъмурияти биноси олдида тўпландилар. Улар «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига мамлакат Президентининг имзо чекишини талаб қилмоқда. Ушбу қонунга киритилган ўзгартиришга мувофиқ, бир ярим йиллик ҳарбий хизматга чақирилган аскарлар яна ярим йил қўшимча хизмат вақтини ўтамаслиги лозим.

***

• Ирландия ҳукумати Ольстерда бўлаётган хунрезликлардан қаттиқ ташвишга тушмоқда, бироқ, муаммони сиёсий йўл билан ҳал этишга бўлган умид йўқолгани йўқ, деди Ирландия ташқи ишлар вазири Дик Спринг.

Вазир миллий телевидениега интервью берар экан, Ольстер муаммосини бартараф этиш бўйича Британия билан Ирландия ҳамкорликда амалга ошираётган режаларнинг муваффақиятига ишонч билдирди. Унинг таъкидлашича, мазкур вилоят келажаги хусусида музокаралар бошлашга тайёргарлик, шунингдек, бу ердаги муросасиз гуруҳларни қуролсизлантиришнинг муқобил йўлларини қидириш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилиши керак.

***

• Австрия пойтахти Венада собиқ Югославиядаги аҳволни яхшилаш мақсадида музокаралар бошланди. Музокараларда Босния, Хорватия-мусулмонлар федерацияси ва Сербия Республикаси вакиллари иштирок этмоқда. Энг муҳим масалалар бўйича битимлар 26 январгача имзоланиши керак, дейилади хабарда. Оддий қуролларни чеклаш ва ялпи қуролсизланиш бўйича ўтказиладиган музокаларда Хорватия ва Югославия вакиллари ҳам иштирок этади. Музокараларни шу йилнинг 6 июнида ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.

***

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг янги аъзолари иштирокида биринчи мажлис ўтказилди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жорий йилда кенгаш таркибига икки йиллик муддат билан бешта янги аъзолар — Гвинея-Биссау, Миср, Польша, Корея Республикаси ва Чили қабул қилинди. Шундай қилиб, Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ, Франция доимий аъзо сифатида, Ботсвана, Германия, Гондурас, Индонезия, Миср, Гвинея-Биссау, Италия, Польша, Корея Республикаси ва Чили давлатлари эса маълум муддат билан Хавфсизлик Кенгаши таркибига кирди. Хавфсизлик Кенгашига раислик қилиш эса Буюк Британиянинг БМТдаги доимий вакили Жон Уэстонга топширилди.

***

• Луандада Ангола ҳукумати ва ҳукуматга мухолиф бўлган «Унита» ташкилоти ўртасида музокаралар бошланди. Музокаралар давомида томонлар 1994 йилдаги келишувга мувофиқ ягона Ангола армиясини ташкил этиш масаласини муҳокама қиладилар.

Ушбу музокаралар 1995 йилнинг ноябрь ойида ҳукумат армияси билан «Унита» гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувларнинг кескинлашуви туфайли тўхтаб қолган эди.

***

• Нидерландиянинг Арнем шаҳрида Франциянинг «Париба» банки филиали ва Франция элчихонасининг бир неча бўлимлари жойлашган бинода кучли портлаш юз берди. Мамлакат полиция хизматининг дастлабки маълумотларига кўра, қурбонлар йўқ, фақат бинога жиддий зарар етган.

***

• «Эрон билан Россия стратегик ҳамкорлар бўлиши мумкин. Шу боис биз икки мамлакатнинг келгуси муносабатларига катта умид билан қараймиз», деб баёнот берди Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Теҳронда бўлган матбуот анжуманида.

Шунингдек, у Россия Бош вазири ўринбосари Олег Давидов бошчилигидаги делегациянинг мамлакатга ташрифи давомида Эрон ва Россиянинг ўн йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳаси маъқулланганини айтди. Ушбу битим икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланади.

***

• Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог 27 январни миллий Хотира куни деб эълон қилди. 1945 йилнинг 27 январида Шўро қўшинлари фашистларнинг Освенцим концлагеридаги тутқунларни озод қилган эди.

«Бу концлагер фашистлар жорий этган шафқатсиз тартибнинг йўқ қилинганлиги рамзи бўлиб қолди», деди, жумладан, Федерал Президент ўз баёнотида.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЛЎНДАСИНИ АЙТГАНДА...

• Қоҳирада Миср ҳукумати бошлиғи этиб 62 ёшли Камол аль-Ганзури сайланди. Янги Бош вазир таниқли иқтисодчи. У 1986 йилдан буён ҳукумат бошлиғи ўринбосари ва режалаштириш вазири бўлган. Камол аль-Ганзури Мисрдаги иқтисодий ислоҳотларнинг меъмори ҳисобланади.

• Руминия контрразведкаси бошлиғи Вергил Магуриану собиқ Президент Николай Чаушеску ташкил этган сиёсий полиция — Секуритате аъзоси бўлганлигини расман тан олди. Ўз даврида у эр-хотин Чаушескуларни қатл этишда қатнашганди.

• Ҳукуматнинг фавқулодда чақирилган йиғилишида Япония Бош вазири Томиити Мураяма истеъфога чиққанлигини айтди. Шу йил 11 январда парламентнинг навбатдан ташқари сессиясида янги ҳукумат бошлиғи сайланиши керак. Бу лавозимга Либерал-демократик партия раҳбари 58 ёшли Рютаро Хасимото сайланиши эҳтимоли бор.

ҲИНДИСТОНДА НОННИ ҚАНДАЙ ЭЪЗОЗЛАШАДИ?

Қишлоқ хўжалиги бўйича Халқаро илмий изланиш ва маслаҳат гуруҳининг хабар беришича, Ҳиндистон яқин йиллар ичида АҚШни ортда қолдириб, жаҳондаги иккинчи йирик буғдой етиштирувчи мамлакатга айланиши мумкин. Бунга Ҳиндистонда дон маҳсулотлари етиштиришнинг йил сайин ўсиб бориши ва унинг ички имкониятлари тўла асос бўлмоқда. Ҳиндистонлик миришкорлар 1965 йилда 12 миллион тонна буғдой етиштирган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 59 миллион тоннага етди. Ҳозирча Хитой бу соҳада биринчи ўринни эгаллаб турибди (йилига 101 миллион тонна). Иккинчи ўринни банд этиб турган американликлар йилига 63 миллион тонна ғалла етиштираётир. Тўртинчи ўринда Россия. (Йилига 32 миллион тонна).

Ҳозир жаҳон бозорига чиқарилаётган буғдойнинг 47 фоизини ривожланаётган мамлакатлар бераётир.

Дарвоқе, Ҳиндистонда нон тайёрлаш усули бироз бошқача. Гарчанд бу технология британияликлардан ўзлаштирилган бўлса-да қулайлиги туфайли ҳанузгача кенг қўлланилмоқда. Махсус автоматлаштирилган ускуналар пишган нонни тезкорлик билан бир хил ҳажмда кесиб чиройли полиэтилен пакетларга 400 гр, 800 гр, оғирликда жойлаб, зиғирча ҳам ушоғини увол қилмасдан истеъмолга тайёр ҳолатга келтириб беришади. Хамирга албатта туз, сут, шакар, ўсимлик ёғи, витаминлар қўшилади. Булар эса нонни нафақат мазали, ҳатто тўйимли қилишга имкон беради. Энг муҳими, пакетларга жойланган нон дўкон пештахтасида ёки уйингизда 2—3 кун эмас, бир ҳафта туриб қолган тақдирда ҳам қотмасдан, айнимасдан, мазасини сақлаган ҳолда тураверади. Тайёр кесиб қўйилган нонни ушатиш учун пичоқнинг ҳам зарурати қолмайди.

Исбот учун бир мисол. 11 миллион аҳолиси бўлган Деҳли шаҳри дўконларида бирон марта нонга навбат ёки нон муаммосига доир саҳнага кўзим тушмади.

Зеро, бу технологияни ўрганиб, юртимизда ҳам оммалаштириш ғояси бирон ўзбек ишбилармонига маъқул келиб қолса, кони фойда бўлармиди?

Нарзулла ШОНИЁЗОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Тошкент — Деҳли —Тошкент.

Танаффус

АЁЛ КЎНГЛИ НОЗИК...

Аёллар: чиройли нарсаларни — гулларни, қушларни, кўйлакларни, шамсияларни, хушомад ҳамда Италия, Франция каби шаҳарларни ва ... эркакларни яхши кўришади.

Эркаклар: футболни, кинони, эртадан кечгача ойнаи жаҳон қаршисида думалаб ётишни, аёлларни ва айниқса ароқни, сигарет эмас, сигарани, папирус эмас, папиросни яхши кўришади. Гоҳи-гоҳида муштлашиб туриш ҳам эркак учун зарарли эмас.

Аёллар кийикларни, эркаклар йўлбарсларни яхши кўрадилар.

Аёллар ароқни ёқтиришмайди. Ароқ эркакбоп — бирқадар қўпол ичимлик. Гўзал аёллар коньякни, янаям нафисроқлари шампанни хушлайдилар. Бунинг айби ё гуноҳи йўқ. Чунки ҳар иккаласиям аёлнинг чиройини янада очади. Фақат...

... Нима «фақат»? Фақат коньяк ҳам, шампан ҳам қиммат демоқчиман, э.

Тўғри-да, қиммат-да. Ҳозир нима арзон?

Чой.

О, чой, эски қадрдон.

Чойни энг кўп ичадиганлар — венетсияликлар. Ўзбеклар «мала» ичадилар.

А-а, ўзимизга қолганда-ку эртадан кечгача чой ичиб ўтирардик. Чойхонада.

Сиз, чойни эркаклар кўпроқ ичади, деб ўйлайсиз. Янглишасиз. Ҳа, ҳа, шу кўк, шу қора чойни аёллар эркаклардан кўра кўпроқ ичишаркан. Чунки аёллар чойдан бошқасини деярли ичмайдилар. Далада, завод, фабрикаларда ишлаётган милёнлаб аёллар коньяк, шампанни оғизга олишни гуноҳи азим деб биладилар. Ва тўғри қиладилар. Мен ҳакам эмасман, биринчи ҳакам — тарбия, иккинчиси — хурмача. Эркаклар ҳар хил ва турли рангдаги — оқию, қизилию, саригидан ичиб кетаверишади. (Кўрганмисиз, тўйларда, чойнакка солишиб...) Танлашмайди, «йўлбарс»лар.

Хўш-ш, билдик... аёлларнинг энг ёмон кўргани тамакининг тутини ва ароқнинг ҳиди... Аёлларнинг нимани яхши, нимани ёмон кўришларини, қандай ичимликни кўп ичишларини билиб қўйиш, сиз билан биз учун — муҳтарам эркаклар, ҳар қадамда асқотади.

Демак, аёлларнинг энг кўп ичадиган ичимлиги — чой.

Чой нима ўзи? Уни кўп ичиш фойдалими, зарарми?

Бобом чой асл ўзбекники, дегувчи эдилар. Инглиз дўстим чой инглизларнинг миллий ичимлиги дейди. Араб, ҳолланд, олмон биродарларимиз ҳам тутиқушга ўхшаб ўзимизники-ўзимизники, дейди. Уларнинг гапларига ишонманг, билмай айтишади. Чой, бобом айтганидек, ўзбекнинг миллий ичимлиги. Абу Али ибн Сино: «Чой танга роҳат бағишлайди, руҳни тетиклаштиради, фикрни уйғотади», —деган.

Чойнинг Ватани — Хитой. Ундан арабларга, улардан XVI-XVII асрда Оврупага ўтган. Оврупадан олдин Ҳиндистонга сафар қилган. Борган жойида қолиб кетаверган, айрим... (нарса)ларга ўхшаб. Чой, назаримда, ўзининг ватанидан ҳам кўпроқ Ўзбекистонда эъзозланади. Хурсанд бўлсак — қора, кайфиятимиз бузилса — кўк чой ичиб даволанамиз. Бошқа жойларда чой куннинг маълум вақтларида ичилади. Японияда чой ичиш — фалсафий маросим сифатида, мураккаб ва гўзал удум тартибида ўтказилади. Биз эса...

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ, КООПЕРАТИВЛАР, ФИРМАЛАР, КОНЦЕРНЛАР, ЗАВОД, ФАБРИКА ВА БОШҚАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА БИЗНЕСМЕНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Чой иссиқда ҳам, совуқда ҳам бирдай ичилади. Чарчоқни тарқатади. Иш қобилиятини оширади. Кайфиятни кўтаради. Раҳбарлар, ўзингиз доим чой ичиб ўтиринг (юринг). Узундан узоқ тўхтаманг. Танаффусларда хизматчиларнинг қисқа муддатли ҳордиқ чиқаришларини йўлга қўйинг. Бу пайтда ишчиларингиз қониб-қониб чой ичсинлар. Шунда... шунда хизматчиларнинг чарчоғи тарқайди. Иш қобилияти ошади. Ҳурматли раҳбар ўртоқлар! Илғор фанимиз кашф этган мазкур янги маълумотларни фақат сизлар учун маълум қилмоқдамиз. Бу маълумотлар темир сандиқларда сақлансин: «Мутлақо махфий». Акс ҳолда, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, биттаяримта бузғунчи хизматчингиз, чой ичиб иш қобилиятимни оширмайман, деб умумишга заҳа етказмасин. Ишчи ва иш воситаларининг меҳнат қобилияти ошса, бизнесмен раҳбар учун кони фойда-да.

Чой нега иш қобилиятини оширади? Чунки унинг таркибида теин, теофилин, танин моддалари, хушофор мойлар мавжуд. Чой марказий асаб тизимини қаҳвага нисбатан секинроқ ва сустроқ қўзғатади, лекин таъсири давомлироқ бўлади. Қон томирларини мустаҳкамлайди. «С» витаминининг ўзлашишига ёрдам беради. Бактерияларга ва яллиғланишга қарши кучли таъсир этади. Атеросклероз, инфаркт сингари касалликларнинг олдини олишда ёрдам беради. Ошқозон иш фаолиятини яхшилайди. Ён дафтарчангизга қайд этиб қўйинг: чой кишини бардам қилади, ақлий ва жисмоний қувватини оширади, руҳий имкониятларни кенгайтиради. Бир пиёла иссиқ чой жазирамада иссиқдан, аёзда совуқдан сақлайди. Асабларимизнинг увадаси чиқиб титилиб кетган ҳозирги кунларда ақлий ва жисмоний таъсири жиҳатидан чойнинг аҳамияти бебаҳодир. Чой асабларга хотиржамлик бағишлайди, руҳиятни кўтаради, тинчитади, лекин кўнгилга тегмайди. Ҳурматли раҳбар ўртоқлар, чой ичса, иш қобилияти ошар экан, деб ишхонангизни чойхонага айлантириб юборманг, тағин.

АСОСАН АЁЛЛАР ИШЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

«Мутлақо махфий». Хусусан жисмоний ва ақлий меҳнат билан банд аёллар иш пайтидаги қисқа танаффусларда бир пиёла иссиқ чойга бир қошиқ шакар солиб ичсалар, меҳнат қобилияти чойнинг қуруқ ўзини ичгандагидан кўпроқ ошар экан. Демак, корхонангиздаги хизматчилар учун чойга шакар солиб — ширин қилиб ичиш тадбирини уюштира олсангиз, ҳам кони фойдага, ҳам савобга қоласиз. Хизматчи аёлнинг иш қобилияти ошса— товар кўпаяди; кайфияти кўтарилса маҳсулот сифати ошади. Савоб — мушкулингизни осон қилади. Чойга бир чимдим райҳон, ялпиз, жасмин, липа гули, бир чимдим мурч, бир-икки дона қалампирмунчоқ ҳам қўшиб ичиш мумкин. Таъбга кўра.

АЁЛЛАР МЕҲНАТ ЖАМОАСИ. РАҲБАРЛАР УЧУН: «МУТЛАҚО МАХФИЙ»

Иш пайтидаги чой ичиш билан ўтадиган танаффуслар меҳнат самарадорлигини оширувчи омилдир. Сиз вақтдан ўн дақиқа ютказасиз, бироқ сифат ва сондан келаётган унум ўн дақиқа келтириши мумкин бўлган даромадни бир неча марта ошириб қоплайди.

Қизиқ-да, аёллар қандай қилиб иш жойини танлайдилар? Аёлларнинг иш танлашдаги мезонлари, ўлчовлари қанақа? Меҳнат жамоасидаги маънавий муҳит, хизматчиларнинг ўзаро муомала-муносабати, раҳбарнинг шахсий ва раҳбарлик хусусиятлари, меҳнат жойи ёки ўрнини танлашда аёллар энг кўп аҳамият берадиган жиҳатлардир. Эркаклар эса биринчи навбатда мутахассислик, иш объекти, ишнинг мазмуни ва нимадан иборатлиги, вазифалар, маош каби жиҳатларга аҳамият беришади. Аёлларни маош унчалик қизиқтирмайди. Нега?

Аёл меҳнатининг самарадорлиги жамоадаги маънавий муҳитга бевосита алоқадор. Майдачуйда келишмовчиликлар ҳамма ерда ҳам бўлади. Агар икир-чикирлар кескин зиддиятларни келтириб чиқармаса, аёлларнинг меҳнат самарадорлиги 20-30 фоизга ошар экан. Бу мулоҳазани қисман тасдиқловчи далил шуки, аёллар компьютерда эркакларга нисбатан сезиларли даражада суст ишлайдилар. Буни ғарб мутахассислари аллақачон тан олишган. Чунки компьютерда аёл одам билан эмас, машина билан ишлайди. Аёл эса одам билан, одам бўлганда ҳам кўнгилга хуш келадиган одам билан ишлаганда ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятларини кўпроқ намоён этади.

Меҳнат жамоасидаги маънавий муҳит эркакларга нисбатан аёлларнинг шахсий, оилавий ҳаётига кучлироқ таъсир қилади. Аёллар ишхонада тўла маънодаги Инсонга, Шахсга айланадилар. Иш куни давомида Аёлни тушунишларини, қадрлашларини, жамиятга нафлари тегаётганини ҳис қилиб турадилар. Турмушдаги кўнгилсизликлар, етишмовчиликлар, рўзғорнинг камчиликларини, эрнинг қаттиққўллиги, иззатталаблиги, болаларнинг эркалиги-ю, инжиқликларини, бироз бўлса-да, унутадилар. Аслида унутмайдилар, иш билан чалғиб, унутгандек бўладилар, холос. Иш пайтидаги танаффусларда чой ичиб олишни аёллар шунинг учун ҳам яхши кўрадиларки, бу чоғда ўз ҳамкасабасига кўнгилни тўкиш, тўлиб турган юракни бўшатиб олиш мумкин бўлади. Одамнинг дардини одам олади. Бундай ҳол аёлларни бир-бирларига янада яқинлаштиради. Ишдан ташқари, уларнинг кўнгилларини ҳам боғлаб қўяди. Аёлнинг руҳиятини мувозанатга солиб туради. Ишхона-эркак учун шунчаки бориб ишлаб келадиган жой бўлиши мумкин. Аёл учун эса — маънавий бойлик, аёлни шахс сифатида тутиб турувчи, шахсини тасдиқловчи омил. Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниш, ўзлигини англаш, дунёдан, одамлардан, демакки шиддаткор замон ва унинг турфа янгиликларидан узилиб қолмаслик учун ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлишга интиладилар. Фақат аёллардан иборат меҳнат жамоасида маънавий муҳит тез бузилиши, кадрлар қўнимсизлиги, прогул ва ҳар хил сабаблию сабабсиз равишда ишга келмаслик ҳолатларининг юқори бўлиши борасидаги мулоҳаза бир ёқламадир. Бироқ бир меҳнат жамоасида шундай бўлган бўлса, айб аёлларда эмас, этда эмас, айб суякда.

Аёлларнинг меҳнат жамоасида ҳам зиддиятлар бўлиб туришидан, шубҳасиз, кўз юмолмаймиз. Аммо, бу зиддиятлар кўпинча ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлмайди. Эркаклар орасида одатда, маошнинг озлиги, ишсиз қолиш, «қисқариш»лар эҳтимолидан қарама-қаршиликлар, тушунмовчиликлар келиб чиқади. Ишхонадаги муаммо эркакнинг кайфиятини бузади. У уйга келиб, оилада ҳам асабийлик вазиятини таранглаштиради. Аёлларда эса ҳаммаси бошқача, тескари— уйда тинчи бўлмаса, жамоада ҳам аёл ўз ўрнини топа олмайди. Уйдан кайфиятсиз чиққан аёл ҳамкасбларининг руҳиятига салбий таъсир этади. Унинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги ҳам пасаяди. Бу тушунарли, албатта. Қадрли нарсанинг оғриғи аёлни қийнайди. Бу қийноқдан кўнгилда ҳам, ишхонада ҳам қора из қолади.

Аёлларнинг меҳнат жамоасида дилдошлик, инсонни тушуниш руҳи ҳукумрон бўлади, дедик. Лекин кейинги пайтларда меҳнаткаш аёлга боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар бу руҳга путур етказмоқда.

Аёл асосан оиланинг моддий таъминоти учун кўпинча ўзини қаноатлантирмайдиган меҳнат жамоаларида ишлашга мажбур. Бундай жамоаларда аёлни, инсонни тушуниш, хизматчилар ўртасида ўзаро илиқ муносабат бўлмаслиги мумкин. Корхона, раҳбар ўз хизматчиларини ижтимоий, моддий, маънавий ҳимояга олмайди. Ишчилар ҳам бир-бирларига ҳамдард бўлолмайдилар, бир-бирларини ҳар жиҳатдан қўлламайдилар. Ҳар ким ёлғиз ўзини ўйлайди. Ўз ҳамкасбига унинг қувонч ва ташвишларига бефарқ бўлади. Бировнинг тақдири ўзгани қизиқтирмайди. Бундай меҳнат жамоаларида аёллар кўнгиллари қаноат, таскин топиб эмас, мажбурликдан ишлайдилар. Ана шу мажбурлик ҳисси аёл маънавияти, шахсиятини емиради. Бундай муҳитда аёлнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги пасаяди.

Бу кун ҳаётимизга кенг кириб келган тижорат тизимининг айрим бўғинларини, бу турли бўғинлардаги муҳитни ана шундай муҳит, шу жойларда ишлаётган айрим аёлларни ана шундай кайфиятда ишлаётган аёллар сирасига қўшиш мумкиндир, эҳтимол. Аммо турли тижорат корхоналари, нуфузли фирмаларда ҳам ишчиларнинг меҳнат жараёнидаги ўзаро маънавий муносабатлари йилдан-йилга муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки маънавий муҳит ҳамкорлар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажаришга, маҳсулотнинг сифатли бўлишига, шу орқали фирма ёки тижорат корхонаси дўконларининг мавқеи ошишига таъсир қилади. Фирмаларни, тижорат бўғинларини яхши, гўзал тарзда ташвиқ ва тарғиб қилиш жамоанинг истиқболга бўлган ишончини, ишчиларнинг ўзаро илиқ муносабатларини мустаҳкамлайди. Қизиқки, эркакларнинг назарида табиат ожиза қилиб яратган аёллар фирмалар, тижоратлар каби турли-туман янгидан-янги саҳналарни, майдонларни тобора кўпроқ ва мустаҳкамроқ ишғол этмоқдалар.

Ана, аёлларнинг чой ичишлари, айниқса чойга шакар солиб ичишлари корхона ва жамиятга улкан фойда келтиришини исботлаш баҳонасида анча-мунча гапларимизни ҳам айтиб олдик. Чамаси, даромад чўзилиб кетди, индаллосини айтганда, ҳурматли раҳбар ўртоқлар, билиб қўйинг, ишчингизнинг чой ичиши сизнинг корхонангизда меҳнат унумдорлигини оширади. Айниқса, у ширин чой бўлса.

Жаноби бизнесменлар! Бизнесмен хонимлар! Бир қалмкашнинг қўнғироғи ана шунақа жиринглади. Жиринглаб бўлди. Ўзингиз қаҳва ичганингизда хизматчиларингизга чой беринг, шунда уларнинг меҳнат унумдорлиги янада ошади. Буни фан исботлаган. Мабодо... қаҳва берсангиз, билиб қўйинг, унумдорлик янада кўпроқ ошиб-тошиб кетади. Буни ҳам замонавий фанимиз исботлаган. Қаҳва чойга нисбатан замонавийроқ-да.

Салим АШУР.

Осиё техника компанияси

Ўзбекистон бозоридаги *расмий дилер ташкилий техника оламида етакчи бўлган*

KONICA PISO нуска олиш машинасини, кичик босмахонасини, шунингдек **FUKUDA, OLYMPUS** медицина асбобларини таклиф этади.

- *Сарфлаш материали*
- *Эҳтиёт қисмлар*
- *Тузатиш*
- *Барча фирма-ишлаб чиқарувчиларнинг нусха олиш ва медицина техникасига техник хизмат кўрсатиш.*
- *Нусха олиш техникасига сервис хизмати кўрсатиш бўйича 1996 йилга шартномалар тузамиз.*

БИЗДА СИФАТ ВА НАРХ УЙҒУНДИР!

Манзил: Тошкент, Абай кўчаси, 4-А уй.

Телефон/факс: (3712) 44-59-55, 40-31-82, 44-55-12. Пейджинг алоқаси: 067-3433.

"Азиа-Мост" фирмаси

пул ўтказиш йўли билан Тошкент шаҳридаги омбордан Т-4А, қишлоқ хўжалиги тракторлари ва Т-4АП2 (Олтой) бульдозерларини сотади. Тел: 78-44-97.

Т-4А АТЗ



Т-4АП2 АТЗ



ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: ***45-35-41, 33-51-95.***

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"

Республика акционерлик бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 декабрь 15-1-141 сон баённомаси билан Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган *"РОЙАЛ"* назорат-касса машиналарини хўжалик шаклидан қатъий назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун тақдим этади.

Машинанинг нархи 230 АҚШ доллари, (сотилаётган кундаги курс қийматида) Ўзбекистон Республикаси сўмларига, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент шаҳри, "Янги-Обод" даҳаси, "Тол-Ариқ" кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
"Янги-Обод" шоҳбекати.

ТАШКИЛОТ

пул ўтказиш йўли билан 50 кг ва 15 кг полипропилен ун қопларини ҳамда IBM 486 ДХ2 /66/ 350/S VGA компьютерларини сотади.

Телефонлар: 67-77-41 67-23-74.

"ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА"

"Ал — Фаросат"

қўшма корхонаси

арзонлаштирилган нархда нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сизга қуйидагиларни **таклиф этади**

— ROYAL — 125 NX, SHARPXE-A120 назорат касса аппаратларини (Давлат тармоқлараро комиссияси томонидан 1995 йил 22 декабрда №161141 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) ёдда сақлаш қурилмаси билан арзонлаштирилган нархда:
Шунингдек, SHARPXE-A120 назорат касса машиналари векселга ҳам сотилади.
— пул ўтказиш йўли билан касса аппаратлари учун қоғозлар;
— 486 компьютерлари;
— назорат касса аппаратларини ишга тушириш, таъмирлаш ва буюртмачиларни ўқитиш;
— телефон аппаратлари, калькуляторлар, факс аппаратлари, нусха кўчириш аппаратлари, аудио ва видео кассеталари.



— 486 DX 2 — 66 компьютерларини ҳамда буюртмачининг талабига асосан бошқа турдаги компьютерларни ва турли хил техникаларни "Ал-Фаросат" фирма дўконидан ("Афросиёб") харид қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси — 41.
Мўлжал: Алишер Навоий театри қаршисида.
Маълумотлар учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел/факс: (3712) 36-73-44, 33-91-92.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан

Тошкентдаги омбордан

турли модификацияли

МАЗ *туркумидаги автомобилларни,* **МТЗ** *экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги:* **Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М** *двигателларини,* **АТЗ-10К** *ёқилғи заправкачи машиналарини* **СОТАДИ.**

Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй.

Алоқа учун телефонлар:

(3712) 54-94-11, 54-69-72, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

ТОМОҚ оғриғига гулбеор қайнатмасидан фойдалироқ малҳам йўқ. Ўсимлик гулидан 2 ошқошиқ олиб, 200 мл. сувда қайнатасиз. Қайнатма билан томоқни 2—3 маҳал чайиб турасиз. Анор пўстини озгина сувда қайнатиб, ғарғара қилиш ҳам мумкин. Ялпизни қайнатиб боғланса, томоқ шамоллашига наф беради.

***

ХОМ картошка пўчоғи билан гиламларни тозалашингиз мумкин. Бунинг учун картошка пўчоғи сувда чайилиб, суви селтигач, гилам устига сепилади ва 2 марта супуриб ташланади.

***

БОШИНГИЗ зирқираб оғриганда пешонангизни бир зум дераза ойнасига теккизиб турсангиз бош оғриғингиз тезда ўтиб кетади.

***

КАРАМ барги эзиб пешона ва чаккаларга дока билан боғлаб қўйилса, бош оғриғи қолади.

***

ТЕРИНИНГ шилинган ёки жароҳатланган жойига тоза асал суриш фойда беради.

***

ЯНГИ саримсоқпиёз бўлакларини ликопчаларга солиб, тўшакдаги беморнинг бош томонига қўйилса, унинг соғайиши тезлашади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг жамоатчи мухбири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуфаттоҳ ҳожи Набиҳўжаевга умр йўлдоши **Азиза ая САЪДУЛЛАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Дил изҳори

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИНГ

Энтикканимдан товба дейман, қойил дейман. Худо ёрлақаса шундай бўларкан-да. Боиси ўша биз неча ўн йиллардан бери билган, хушчақчақ, чеҳраси доимо очиқ Исҳоқжон ака саксондан сакраб ўтибдилар. Бундай баракали умр йўли ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Қойил қолаётганлигимнинг яна бир бошқа сабаби ҳам бор. Айтсам, сиз ҳам ишонибишонмай қолишингиз мумкин. 75 ёшни урганларидан сўнг бу оқсоқолнинг яратган ишларига қаранг: «Қибла қаёқда ёхуд қотилнинг саргузаштлари» — қисса, «Сирли қотиллик» — роман (ҳар икки асар ҳам босмадан чиқди), «Жиноятнинг туғилиши» — драма (Қўқон театрида саҳнага қўйилди), «Кечиккан никоҳ» — драма (Қўқон театри қабул қилиб олди), «Бир қотилнинг саргузаштлари» — Киносценарий (бадиий кенгаш тасдиғидан ўтди. «Ўзбекфильм»нинг «Мерос» студиясида суратга олишга тайёргарлик кўриляпти). «Тўртликлар ва достонлар» — алоҳида китоб ҳолида чоп этилиши арафасида. Санайверсам, рўйхат чўзилиб кетадиган. Хуллас, келтирган мисолларнинг ўзи ҳам етарли.



Қани айтинг-чи, қойил қолмасликнинг иложи борми? Ахир бу ёшда тўрт энлик салом хати ёзиш ҳам малол келадиганлар йўқми, нафақага чиққач, бизниқи бўлди, деб икки қўлни ювиб, қўлтиққа урадиганлар қанча. Илоё, Исҳоқжон ака, Яратганнинг ўзи Сизни ёмон кўздан асрасин.

Ҳавас қиламан Сизга, айни пайтда ўйланиб қоламан: бунча куч, бунча ғайратни қаердан оляпти экан, бу киши деб. Билишимча, ҳаётни севиш, ундан завқ ола билиш, заҳматкашлик, тинмай интилишдан бўлса ажабмас.

— Илҳом париларининг бунчалиқ бошингизда айланишининг боиси нимада? — деб сўрайман.

— Лўнда қилиб айтсам, — жавоб беради оқсоқол, — мустақиллик ва истиқлол туфайли.

Ҳаёт — бу турфа гуллар тўшалган хиёбон эмас, у кўпинча охиригача ечиб бўлмас жумбоқларга тўла. Баъзан қувончидан кўра, ташвишлари кўпроқ. Шу ўтган саксон йил мобайнида оқсоқолнинг ҳам бошидан не-не савдолар кечмади? Лекин ҳамиша ноумид шайтон, деб ўзини яна ва яна меҳнатга урди. Туман газетасида бўлим мудири, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида адабий ходим, республика радио ва телевидение Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, «Ўқитувчилар газетаси» ҳамда «Совет мактаби» журналининг бош муҳаррирлари, райижроқўм ҳамда жамоа хўжалигининг раислари, Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ўзбекистон Ёзувчилари ва Журналистлари уюшмаларининг аъзоси.

Оқсоқол нафақага чиққач, атрофдагиларни лол қолдирадиган яна бир иш қилди. Бу тиниб-тинчимаган нуроний Ўзбекистон туманидаги «Қолган дарё» давлат хўжалигига бориб, ўн бир йил давомида бригада бошлиғи ва бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. Яшириб нима қиламиз, қатор-қатор ўгиллари, келин ва неваралари бўла туриб, шу ишлари шартмиди, оёқни узатиб, фарзандларини дуо қилиб юрсалар бўлмасмиди, деганлар ҳам бўлди.

— Шундай қилишим шарт эди, — дейди кулиб оқсоқол. — Бу иқтисодий заруратдан эмас, балки ижодий заруратдан, ўйлаб юрган янги асарларимни пишитиш, ҳаётнинг ичига янада кириб бориш ниятида, қолаверса, қалбим даъвати туфайли шундай тўхтамга келгандим. Бекордан худо безор, деган гаплар шунчаки айтилмаган бўлса керак.

Эсимда, талабалик даврмизда — эллигинчи йилларнинг бошларида Ҳамза номли академик театримизда Исҳоқжон аканинг дастлабки асарларидан бири «Кечирилмас гуноҳлар» драмасини жамоа бўлиб томоша қилган эдик. Тақдирни қарангки, Сирдарё вилоятида бирга ишлашга тўғри келди: у киши вилоят радиоси қўмитасининг раиси, республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг котиби, камина эса «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг муҳаррири.

Давраларга жон киритадиган шу Исҳоқжон ака эди. Гулдираб келиб, гулдираб кетарди. Умрини зое кетказмади. Ўша йиллар вилоят ҳаётидан олиб, «Чўл осмони остида» драмасини яратди. Асар Жиззах театрида саҳнага қўйилди. «Сув садоси», «Жиззах юлдузи» ва бошқа ҳикоя ҳамда очерклар китоби ҳам чўлқуварлар ҳаётига бағишланганди.

Қайси вилоятга борманг, у тарбиялаган, ҳозирги пайтда авжи ҳосилга кирган ниҳолларга — шогирдларига дуч келасиз.

Исҳоқ Ўктамовнинг хизматлари муносиб тақдирланган. У қатор нишон ва медаллар, Фахрий ёрлиқлар соҳиби, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган фахрий унвонга эга.

Буни қаранг, Худо бераман деса бандасига қўш қўллаб беради, деганларидек, олти нафар азамат ўғиллари бор. Ҳаммаси ўзидан тинчиган. 22 невара ва икки эвара ҳамиша боболарини қучоқ очиб кутиб олишади.

Оқсоқол ҳамон кишилар орасида. Уни ҳали у нашриётда, ҳали бу газета-журнал таҳририятида учратасиз. Қаламкашлар — ёзувчи-шоирлар гурунгида қаҳ-қаҳа авжига чиқаётган бўлса, билингки, ўша ерда Исҳоқжон ака бор. У ҳозир ҳам янги-янги ижодий режалар билан банд, илҳом тулпори гижинглаб турибди. Қадрдон оғамиз Исҳоқжон ака! Ҳорманг, энди. Муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин, бола-чақаларингизга, шогирдларингизга ҳам сизнинг ёшингиз насиб этсин. Ниятимиз шуки, ёшларга хос ғайрат-шижоатингиз сўнмасин, қаламни тағин ҳам маҳкамроқ ушланг, насрда, назмда, драматургияда баб-баравар жавлон ураверинг. Саксондан сакраб ўтибсиз, илоё тўксон билан тўқнашинг, юз билан юзлашинг, Иншооллоҳ!

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТЎРТЛИКЛАР

***

Чароғон ўлкамда топган бахтим бор,
Истиқлол аталган буюк тахтим бор,
Изтироб чўғлари олмас аланга,
Дилимда эрк қўрин ўчмас тафти бор.

***

Диёрим, менга бахт армуғон этдинг,
Дилимни беминнат чароғон этдинг.
Тарк этгач зиёну ёввойи фиғон,
Илму маърифатга чароғбон этдинг.

***

Энди йўқ эсимни оғдирган замон,
Бошимга ғам-оташ ёғдирган замон.
Чил-чил бўлиб кетди бало-қазолар,
Дайди, жоҳил — дилни оғритган замон.

***

Ноёб, ажиб қасринг ўзингда чоғи,
Жон элим, оқмасин кўзинг селоби,
Фироқ ўти бошдан кетгани ростдир,
Ювилиб биттандир кўнгилнинг доғи.

Исҳоқ ЎКТАМОВ.

ЯХШИЛИК НУРЛАРИ

...Ҳаёт менга беминнат бахт армуғон этганмиди дейман, онам ҳам ўқимишли қишлоғимизда яккаю-ягона отин, ҳурматга сазовор бир аёл эди.

Онам ҳовлимизда диний мактаб очиб, ўн беш чоғли ёш-яланг қобилиятли қизларга таълим берарди. Бу диний мактаб то ўттиз учинчи йилгача ишлади.

Мактаб қалбим мушток бўлган араб, форс тилларини хотиржам ўз хонадонимизда ўрганиб олишимга имконият берди. Онамнинг бу муруввати ҳудди гуллар саси сингари қалбимнинг тўрига сингиб борар, истиқлол оғушига ғарқ қилаётгандек, оддий, лекин буюк турмуш оқимига йўллаётгандек, фаолиятимда маъно кашф этаётгандек ҳис қилардим.

Дарҳақиқат, бу қулай вазият кўнглимга тинч, хушвақт бир кайфият бахш этарди...

Онам талабаларидан интизомли бўлишни, маҳорату пишиқликни, одоб-ахлоқни қанча талаб қилган бўлса мендан ҳам уларидан кам талаб қилмасди.

Онам Қўқон шаҳрининг Бахмалбоб маҳалласида маърифатпарвар Мақсуд саркор оиласида таваллуд топган. У шаҳар муҳитида турли-туман бир-бирига зид бўлган кучлар курашига бардош бериб, билим олишда ўз мақсадига эришган. Келажагини аниқ тасаввур қила оладиган зукко аёл эди.

Онамни Шарофатхон ая дейишарди, уни Худоёрхон замонида, қисман оқпошшо даврида бизнинг даҳамиздаги ўн икки қишлоққа аввал саркор, кейин амин бўлган Мақсуд саркор, Қўқондаги Хожибек, Бухородаги Мирараб мадрасаларида таълим олган, ўз фазилатлари, одобу ахлоқи билан эл ҳурматига сазовор бўлган дадамга ихлоси тушиб, қизини берган экан.

Лекин онам номаи аъмолини, насл-насабини ҳеч пеш қилмас, аёлларга хос қувноқ, мағрур, саховатли, меҳрибон эди. Аҳли эл билан назокатли муомалада бўларди у. Назаримда, гўзаллиги нуронийлигида, мусаффолигида, меҳнатсеварлигида эди. Эринчоқлик онамга ёт эди: ғимирлаб юриб рўзғоримизни саранжом-саришта қилиб юришларига ҳавасим келарди, қарашардим. Ҳаётий нафосат шундай бўлса керак деб ўйлардим.

Бу диний мактабнинг афзалликлари шунда эдики, унда ўзгача одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, аёлларга хос идрок, дилбарлик, нафосат, мусаффолик табиий бир ҳолатда намоён бўларди.

— Аёл, — дерди онам талабаларга, — содиқ хотин сифатида ўз жуфтиҳалолининг сиймосини қалбига нақш этиб «бу менинг султоним», деб иззат-икром қилишни уддалай олсагина ўзи ҳам илоҳий бир ҳурмат, ҳузур-ҳаловат оғушида ҳурдай хотиржам бахтиёр яшашга молик бўлади...

Баҳор фасли охирлаб, фусункор табиат чор тарафни гўзалликлари билан безаб, ажиб бир шаклга кирганда онам талабаларидан ҳоли бўлди-ю мени токлар соясидаги зилол сув шовуллаб оқаётган ариқ лабидаги тахта сўрига чақирди. Одоб билан ёнига бориб ўтирдим. Кўзларида ақл-идрок барқ уриб турган оқила, вазмин онам бирданига гап бошламади. Бир пиёладан чой ичган, дастурхондаги нозне ъматлардан истеъмол қилган бўлдик. Сўнг осойишта бир вазиятда сўз бошлади:

— Кўзичоғим, мана, балоғатга ҳам етдингиз ҳисоб, — деб онам ўнг қўлини елкамга ташлади, — ғоят нодир ҳусн, хушбичим қомат, жозибали йигит бўлдингиз. Шаҳло кўзларингизда эҳтирос ўти чақнагандай. Аммо бундан буён саховатингиз ҳам ҳусни тароватингиздай беназир бўлишини, шижоат ва иқтидор нури ёғилиб туришини истардим. Ҳаётингиз жараёнида доим тарозингиз палласини эзгу ниятларингиз томонга оғдириб юришингизни истардим.

Шу дам онам қўлини елкамдан олди-да, бир пиёла чой ичишга тутинди. Илоҳий ҳамду сано шуъласи билан йўғрилган чеҳрасидан, идрок этиб турибман, агар таъбир жоиз бўлса, ҳали менга аллақачон панд-насиҳатлар бергудай чамаси бор:

— Кўзичоғим, — дея нигоҳини яна менга қадади, — уйланадиган вақти-соатингиз ҳам яқинлашиб қолди...

— Бу ҳақда гап очиш ҳали эрта, онажон, — деб гапни бўлдим, — институтни тугатишим шарт. Мен учун бу муқаддас бурч.

— Амин бўлинг, қўзичоғим, хоҳишингизга ғов бўлиш ниятим йўқ. Лекин оналар шунақа тиниб-тинчимайдиган бўладилар: фарзандимиз бошига зоҳидона умр кечириш тушмасин деймиз. Ахир ота-она дунёга устун бўлмаган-ку. Мана, дадангиз ҳам, мен ҳам анча ёшга бориб қолдик. Кўзимиз очиқлигида бошингизни иккита қилиш орзуси билан яшаяпмиз. Агар муносиб қаллиқ топилса, соҳибжамол келиннинг хонадонимизга келишидан зиёда бахт борми дунёда?

— Сезиб турибман, онажон, ҳаяжонланишингизда жон бор, албатта, — дедим, ахир, мен тарки дунё қилиб яшайман демоқчимасман-ку? Ҳали ёшман. Озроқ муҳлат беринглар, илм олай...

— Албатта, қўзичоғим, илм олишингиз ҳам фарз, ҳам қарз, — деб онам кўнглимни кўтара бошлади, — никоҳ қонунларини муқаддас ҳисоблаб, келажакда унга содиқ қолиб яшашни, турмуш пиллапоясида хато қилмасликни, ҳам маънавий, ҳам маърифий жиҳатдан забардаст бўлишни афзал билгангина шундай муборак йўлни танлайди. Оқибатда бегона таъсирларга берилмайди, жуфтиҳалолини бахтиёр қилади. Бу савобли ишга журъат этганингиздан мамнунман, қўзичоғим. Бу қисман сабр қилишга арзийди, шаксиз.

— Мени тўғри тушунганингиз учун сизга ташаккур, онажон, — деб эркалаб, юзларидан ўпдим.

— Идрокингиз замон ўзгаришлари билан уйғунлаша олсагина, давр зарбасига бардош берадиган соҳиб бўласиз. Лекин кўзим очиқлигида бир васиятимни қулоғингизга қўрғошиндай қуйиб олинг.

— Марҳамат, онажон, қулоғим сизда.

— Ҳарна бўлса ҳам бўлажак оилангизга садоқат гулчамбарини ҳадя этиб яшанг, нозик қалб торларига озор етказа кўрманг. Шундагина ширин-эзгу орзуларингиз барбод бўлмагай, дилингизга озор етмагай. Бир умр оилангиз рағбатига сазовор бўлгайсиз.

— Оҳ, онажон, вақти келиб уйланиш насиб этса, келинингизни жоним билан эъзозлаганим бўлсин.

...Ҳақиқатга сазовор бўлишим учун ҳам, шу мактаб паноҳида балоғатга етаётган гўзаллик нишонаси Барнохон деган қиздан умидвор бўла бошладим. Бу ном ҳозиргача ҳис этилмаган қувонч сеҳри билан қалбимни тўлдира бошлаганди, бу ном кўз илғамас бир қиёфада бутун танамга сингиб борарди...

Исҳоқжон ЎКТАМОВ.

Шатранж оламида

ДУНЁНИНГ У БОШИДА ҲАМ...

Қадимги дунё деб аталмиш Оврўпо марказида жойлашган Германияда бўлиб ўтган икки мусобақа — фахрийлар ўртасида жаҳон биринчилиги, ундан олдинроқ эса 20 ёшгача бўлган ўсмирлар жаҳон чемпионатида вакилларимиз эришган муваффақиятлар тўғрисида ёзган эдик. Эндигиси дунёнинг у боши, яъни Жанубий Америка қитъасининг энг йирик мамлакати — Бразилияда бўлиб ўтди. Бу ерга дунёнинг 56 мамлакатидан 16 ёшгача бўлган 59 нафар шахматчи тўпланиб, 11 турдан иборат баҳсга киришдилар. Тошкентлик 16 ёшли спорт устаси Рустам Қосимжонов 11 имкониятдан 8 очко жамғариб, 3-совриндор бўлиб қайтди. Ҳа, чакки эмас.

... БУ БОШИДА ҲАМ

Осиё қитъасининг энг жажжи, айни вақтда энг тараққий топган мамлакатларидан бири Сингапур Осиё биринчилигининг ташкилотчиси сифатида 20 та мамлакатдан келган эркаклар ва 12 мамлакатдан тўпланган аёллар терма жамоалари ўртасида баҳс юритиш маркази бўлди.

9 турдан иборат беллашувлар натижасида 36 имкониятдан 25 тадан очко жамғарган Филиппин, Хитой жамоалари биринчи ва иккинчи ўринларни баҳам кўрган бўлсалар, улардан атиги ярим очко ортда қолган Ўзбекистон терма жамоаси 3-ўрин, бронза медали билан тақдирланди. Жамоа умумий жамғармасига халқаро гроссмейстер Александр Ненашев биринчи тахтада ўйнаб 9 имкониятдан 6 очко, Сергей Загребельний 2-тахтада 8 тадан 4 очко, Михаил Салтаев 3-тахтада 9 тадан 7 очко, халқаро мастер Шуҳрат Сафин 6 тадан 4,5 очко ва заҳирадаги ўйинчи халқаро мастер Сайидали Йўлдошев 4 имкониятдан 3 очко билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Аёллар турнирида Ольга Ким келтирган 5 очко, Рена Мамедова олган 6 очко ва Анжела Хегай қўлга киритган 7 очко терма жамоамизга бешинчи ўринни таъминлади.

НИҲОЯТ, ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Мухлисларга аён: жаҳон биринчилиги учун расмий мусобақалар ўтказилиб келинаётган бир асрдан кўпроқ вақт орасида шахмат оламининг фармонбардорлиги ҳам яккаю-ягона бўлиб келди. Бироқ, 3—4 йил бурун айрим сабабларга кўра жаҳон биринчилиги мусобақалари икки йўналишга, яъни ФИДЕ мақомидаги ҳаваскорлар ва профессионаллар биринчилигига ажради. Кейингилар ўртасидаги якунловчи баҳсда ҳиндистонлик В. Ананд устидан ғалаба қилган Гарри Каспаров чемпионлик унвонини сақлаб қолганидан хабарингиз бор.

Халқаро шахмат федерацияси ҳаваскорлар чемпионатини қаерда ўтказиш ва соврин таъсис этувчи мутасаддини аниқлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини яқинда ниҳоясига етказди. Анатолий Карпов билан америкалик 21 ёшли гроссмейстер Гата Камский ўртасидаги бу матч 1996 йилнинг ўрталарида Канаданинг Монреал шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Таъсис этилган пул миқдори баъзи манбаларда 1 млн. долларни, баъзиларида эса 1 млн 700 000 АҚШ долларини ташкил этади. Ғолибга эса 62,5 фоиз, мағлубга эса 32,5 фоиз тегади, қолган 5 фоизи ФИДЕ тасарруфига ўтказилади.

Хўш, имкониятлар қандай?

10 йил мобайнида 3 карра жаҳон чемпионлигига кўтарилган Карповни ортиқча сўзлар билан безамасак ҳам бўлади. Унинг рақиби асли россиялик бўлиб, 5-6 йилдан бери отаси билан АҚШда яшамоқда. Гата 5 яшарлигидаёқ анчамунча шов-шувга сабаб бўлган. Қобилиятли бу йигитнинг кейинги йилларда эришаётган муваффақиятлари таҳсинга лойиқ. Тажриба устун келадими ёки ёшлик? Буни ўзаро баҳс кўрсатади.

АДОЛАТ ТИКЛАНДИ

Бундан чорак аср муқаддам жаҳон чемпиони Роберт Фишернинг «60 та унутилмас партия» деган китоби рус тилида чоп этилган эди. Мухлису мутахассислар таҳсинига лойиқ бўлган бу китоб муаллифга тегишли қалам ҳақи — гонорар ўз вақтида берилмади, яъни ғирромлик қилинди. Яқинда Халқаро шахмат федерациясига президент этиб сайланган россиялик мулти-миллионер К. Илюмжинов Роберт Фишерга гонорар сифатида 100000 АҚШ доллари берилажагини эълон қилиб, адолатни тиклади. Бу билан ўз навбатида шахмат ташкилотининг обрў-эътиборини ҳам юқори кўтарганлиги турган гап.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Шахмат федерациясининг фахрий президенти.

«ҚУЁН»ЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАСДИ

Шаҳримиз кўчалари тобора серқатнов ва гавжум. Хориждан келтирилган ранги табиатимизга мос, яшил тусдаги тезюрар трамвай, троллейбуслар шинам ва қулай. Метрога-ку гап йўқ!

Аввало, жамоат транспортида кўрсатилаётган хизматни яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни эътироф этиш шукроналар айтишга бурчлимиз. Зеро, яхшини янада яхшироқ бўлиши ҳақида ўйлаш эзгуликдан нишона. Айтайлик, транспортга йўловчиларнинг чиқиб-тушиш тартибига андак ўзгартишлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикин. Қанлай қилиб дейсизми? Тўғри, ўзимга ҳам бошда бунинг иложи йўқдек туюлганди. Агар жиддий ўйлаб кўрилса...

Ҳозир ҳаммага аёнки, трамвай-троллейбус ва автобусларнинг орқа ҳамда ўрта эшикларидан чиқиб, олдидан тушишга одатланганмиз. Худди ҳаммаси жойида, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайдиганга ўхшайди. Келинг тирбанд автобусдаги манзарани кузатайлик. Паттачи (кўпинча бўлмайди) ҳайдовчи эшигига мослашиб олган. Жоврайди: «Орқа эшик очилмайди, ўрта эшик ишламайди. Ҳамма олдинга ўтсин. Абонементмас, пулдан бўлсин. Гувоҳномасиз талаба абонементи ҳисобга ўтмайди...» Автобус тўла одамлар орасидан ёриб, олдинга ўтишни ҳар ким ҳам эплолмайди. Орқа ё ўрта эшик очилиши кутилади. Ниҳоят «пиш-ш» деган сасдан хушёр тортган кишилар ўзларини эшикка урадилар. Айни пайтда «юриб кетмасин» деб турганлар «илиниб» қолишга интиладилар. Паттачи пастга тушиб, бўзчининг моккисидек югургунча: «Сизники..., Қани..., Ҳов!!» — деб бақиргани-бақирган. Кейин у яна жойини топади, яна «пиш-ш», силжиймиз.

Мулоҳаза

Билмадик, қачонлардир кимдир шундай тартиб қоидани жорий қилганини. Лекин, ҳеч нарса мангу ёки қотиб қолмаган-ку. Ҳамма нарса ўзгариб, такомиллашиб боради. Ҳар қалай қизиқ-да: орқадан чиқиб, олди эшикдан тушиш. Шуни метрода жорий қилиб бўладими? Йўқ албатта. Чунки ер ости саройларидаги тартибнинг йўриғи бошқача. Барибир изланса бўлади. Таклиф шуки, жамоат транспортининг олди эшигидан чиқиб орқасидан тушиш йўлга қўйилса. Бунинг нимаси афзал, дейсизми?

Аввало бақириқ-чақириқларга, муҳими текин юришни ҳунар қилганларга ўрин қолмайди. Ахир орқа эшиклардан чиқиш ман этилгандан кейин «қуён»лар ҳам ҳамма қатори олди эшикка рўбарў бўладилар-да. Фақат бунинг учун транспортнинг олди эшиклари бироз мослаштирилгани маъқул. Чунки ҳайдовчи учун кўп жой ажратилгандай. Паттачи эса хоҳласа пастда, ё юқорида туриб йўл ҳақи олиши, абонементларни кўздан кечириши мумкин. Йўловчилар хотиржам автобус, троллейбусларга жойлашиб, кўпроқ орқа эшик томонларга ўтишлари табиий. Ҳайдовчи яқинидаги майдонча деярли бўш бўлади. Ҳозир нима бўляпти? Фақат кеқса, ногирон ва болаларни олдиндан чиқишига йўл берилади. Агар улар битта, иккита бўлса хўп-хўп. Акс ҳолда паттачи чорлаб тургандан кейин болалару фахрийларни тартиб-суртиб олдидан тушишга чоғланишга тўғри келади-да. Бу эса асаб бузарликдан бошқа нарса эмас.

Агар фақат транспортнинг олдидан чиқиб, орқасидан тушиш русум бўлса йўловчи одобига риоя қилиш ҳам шакллана рди. Бунинг учун транспорт бекатда мўлжалдагидан кўпроқ тўхтаб туриши, вақт сарфини эса тезкорлик ҳисобига қоплаш керак бўлади. Қани энди олдиндан патта сотишлар йўлга қўйилса... Шунда одамлар катта-кичик, бола-чақа, ногирон маъносида навбатда туришни одат қилармидилар. Тўғри, орзиқиб кутилган транспортдан қолиш кимга ҳам ёқади. Буёғи транспортчилар ҳимматига боғлиқ: кетма-кет келиб турса, эътирозга ўрин қолармиди. Ким билади дейсиз, балки келажакда шаҳар транспортига ҳам метрога ўхшаш жетон ташлаб чиқишлар йўлга қўйилар. Дуога шак йўқ, яхши ният яхшида.

Неъматжон МАНСУРОВ,
ганчкор уста.

Гир айланар, зир айланар,
Қалбимизда сир айланар

Саҳна узра чарх уриб—
Раққосалар чир айланар

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимкул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.